



ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «МЕХНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ЯНГИ ТАХРИРДАГИ ЛОЙИХАСИ ҚИЗГИН МУҲОАМА ҚИЛИНМОҚДА.

МАЗКУР ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФРАКЦИЯЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ ДЕПУТАТЛАР ГУРУҲИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА КОНЦЕПТУАЛ ЖИХАТДАН ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАБ, ЎЗ ТАКЛИФЛАРИНИ БЕРГАН ЭДИ.

ЎзХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИГИЛИШИДА ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ ИККИНЧИ ЎҚИШДА МУҲОАМА ҚИЛИШДИ.



Темир йўл вокзали

янги кўча кўча этмоқда

Ангрен-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғи бўйлаб сўнгги қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

«Темир йўл масофаси» корхонаси таркибидagi «Андижон-1» бекати қурувчилари сўнгги иншоотлар ва кесилмаларни бунёд этиш, 2700 метр масофадagi пўлат изларни алмаштириш ишларини якунлашмоқда. Электр тармоқларини тортиш, ёриткичларни ўрнатиш ҳам жадал борапти.

Реконструкция қилинаётган Андижон темир йўл вокзали янги кўча кўча этиб, йўловчилар учун барча қулайликлар яратилди. Шаҳарнинг ўзига хос дарвозаси ҳисобланадиган ушбу иншоотда «Қурилиш универсал компакт сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари охири пардозлаш ишларини олиб боришапти.

Вокзал атрофида фавора ҳамда гулзорлар барпо этилмоқда.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Замонавий архитектура асосида таъмирланмоқда

Самарқанд давлат университетининг 19 биносида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

— Жорий йилда ҳам бир қатор биналар, 2 қаватли ошхона ва спорт залида замонавий архитектура талаблари даражасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади, — дейди университет ректори Алимжон Холмухамедов. — Биналар жиҳозланиши учун тендер савдолари асосида қурилиш-пудрат ташкилотлари танлаб олинмоқда. Ўтган давр мобайнида таъмирланган биналар тўла қайта жиҳозланди. Жумладан, талабалар турар жойлари замонавий мебель, юмшок ва қаттиқ инвентарлар билан таъминланди.

Бугунги кунда университет кафедраларида 80 га яқин тўғарак ва инновацион гуруҳлар фаолият кўрсатмоқда.

Абдурашул САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Автомобиль йўллардан фойдаланиш тартиби тасдиқланди

Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокими Раҳмонбек Усмоновнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга қўра, Тошкент шаҳар автомобиль йўлларидан фойдаланувчилар кўчалардан ўтиш, хавфсиз ва қулай шaroитларда ҳаракатланиш, ҳаракатланишнинг йўл шaroитлари тўғрисида тезкор ахборот олиш, йўллардаги носозликлар тўғрисида етказилган зарарни белгиланган тартибда ундириб олиш ҳуқуқларига эгадир.

Шаҳар кўчаларида транспорт воситаларининг хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида йўл хизмати ташкилотлари йўлларини ва йўл иншоотларини соҳ ҳолда сақлаш, қишда қисқа вақтда қордан тозалаш ва музамаларнинг олдини олиш учун тегишли чоралар қўриши шарт. Йўл белгилари амалдаги давлат стандартларига асосан ўрнатилиши, ҳаракатланиш учун хавфли бўлган участкалар зарур тўсиқлар ва қурилмалар билан жиҳозланиши зарур.

Йўл хизмати ташкилотлари йўл-транспорт ҳодисаларининг сабабларини доимий равишда ўрганиб бориши ва Тошкент шаҳар ИИББ ЙХББ билан ҳамкорликда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаши лозим.

Обиддин МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Таклифлар ҳисобга олинмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари электорат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиқиб берган таклифлар «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасида ўз ифодасини топмоқда.

► Давоми 2-бетда.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

— Имконияти чекланган болаларни ихтисослаштирилган мактаб-интернатларидан даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш тартиб-қоидалари ҳақида маълумот берсангиз. Бунинг учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади? Райимберди ЖАББОРОВ, Элликқалъа тумани.



Муқаддас
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
халқ депутатлари
Тошкент шаҳар
Кенгашидаги ЎзХДП
гуруҳи аъзоси:

— Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат вазирликларининг 2015 йил 31 декабрдаги қарори

айни шу масалага қаратилган. Унга асосан жисмоний ёки психик ривожланишда нуқсон бўлган ўқувчиларни ихтисослаштирилган таълим муассасасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат вазирлиги муассасасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат 2016 йил 10 февралда 2763 рақами билан Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Ўқувчиларни мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасаси ёки «Мурувват» интернат уйига ўтказиш мактаб-интернат педагогик кенгашининг қарори, тегишли психологик-тиббий-педагогик комиссиянинг ҳулосаси, ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Болани мактаб-интернатдан даволаш-профилактика муассасасига

ўтказиш учун ўқувчининг ота-онаси ўтказиш сабабларини, даволаш-профилактика муассасаси номини кўрсатган ҳолда мактаб-интернат директориға ариза билан мурожаат қилади. Унда боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи шифокорининг ҳулосаси илова қилинади.

Ота-оналарнинг аризаси ёки ёзма розилигига асосан ушбу масала мактаб-интернатнинг педагогик кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Педагогик кенгаш қарорига биноан, мактаб-интернат директори психологик-тиббий-педагогик комиссияга тегишлилигига кўра қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

— боланинг ривожланиш тарихидан муфассал кўчирма ҳамда тиббиёт муассасаси даволовчи шифокорининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш зарурлиги тўғрисидаги ҳулосаси;

— мактаб-интернат тиббиёт ходимининг ўқувчини даволаш-профилактика муассасасига ўтказиш тўғрисидаги тавсияномаси;

— ўқувчининг физиологик ва жисмоний ҳолатида салбий ўзгаришлар аниқланганлиги ҳақида тиббий қўриқдан ўтказган шифокорнинг ҳулосаси.

Тақдим этилган ҳужжатлар психологик-тиббий-педагогик комиссия томонидан белгиланган низомга мувофиқ кўриб чиқилади.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар

қайта-қайта ўрганишни, тарғиб қилишни ва амалга ошириш чораларини топишни талаб қилади

ЎзХДП Жиззах вилоят кенгаши ташкил этган «Демократик янгиланиш шaroитида фуқаролик жамияти институтларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари» мавзусидаги ўқув-семинар иштирокчилари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларда бу жиҳат алоҳида эътироф этилди.

— Вилоятда 600 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бирлашмалар фаолият юритиш жамияти институтларининг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлини маси катта мутахассиси Элдор Жабборов.

► Давоми 2-бетда.

ДИҚҚАТ:

«Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли»

кўрик-танловининг республика босқичи

Бугун пойтахтимизда ЎзХДП Марказий Кенгаши Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш сектори томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон ХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танловининг республика босқичи бошланади. Унда танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида голиб бўлган 14 нафар иштирокчи 3 шарт бўйича беллашади.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг катта мажлислар залида «Қонуларимиз ҳаётимиз асосидир», «Сиёсий ҳозиржавоблик» шартлари бўлиб ўтади.

Эртага, 4 март кунини пойтахтимиздаги Халқаро савдо марказининг конференция залида танловнинг лойиҳа тақдироти, шартли ўтказилади ва республика босқичи голиблари аниқланади.

ЎзХДП ҲАМКОРЛАРИ

Меҳр ва эътибор

инсонни улуглайди, мартабасини оширади

► Давоми 3-бетда.

990 мингга яқин янги иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳасини изчил ривожлантириш ҳисобидан 660 мингдан зиёд иш ўрни яратилади.

2016
йилда



ЎзХДП: ФАКТ
ВА РАҚАМЛАР

ЖОРИЙ ЙИЛДА ЎзХДП ФАРФОНА ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА 110 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ 70 ФОИЗГА ЯҚИНИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ, ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТОМОНИДАН КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИ МУТАХАССИСЛИКЛАРИГА АСОСАН ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ МУҲОАМА ЭТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ЎзХДП АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН АНДИЖОН ШАҲРИДА «ЁШЛАР ВА ИНТЕРНЕТ» МАВЗУСИДА АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ТЎҒРИ ҲАМДА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИДА ФИКР АЛМАШИЛДИ.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Таклифлар ҳисобга олинмоқда



Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Ёқуб УМАРОВ:



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Феруза ЭШМАТОВА:

— Қонун лойиҳасини такомиллаштириш жараёнида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳамда қабул қилинган таклифлар бўйича батафсил маълумот бериб ўтсам.

Қонун лойиҳаси тегишли тартибда мутахассислар, ишчи-ходимлар иштирокида кенг муҳокама этилди. — Бу жараёнда ҳам қатор таклифлар олинди. Сийёсий партиялар фракциялари ўз электроти манфаатларидан келиб чиқиб, берган таклифлар ишчи гуруҳи томонидан чуқур ўрганилди ва ҳар томонлама ҳисобга олинди. Ўзбекистон Халқ

Давоми. Бошланғич 1-бета.

демократик партияси фракцияси такдим этган 20 га яқин таклиф қонун лойиҳасида ўз аксини топмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳаси 45 моддалардан 36 моддага қисқарди. 24 асосий тушунча 12, 12 ҳавола норма эса 8 тага умумлаштирилди. Шу тариқа ҳавола нормаларнинг камайишига эришилди. Бу қонуннинг тўғридан-тўғри ишлар имконини кенгайтирди.

Депутатлар ҳужжат лойиҳаси меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлашди.

— Иш бевуви ҳамда ходимларнинг меҳнати муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланмоқда. Хотин-қизлар, вояга етмаганлар, пенсия ёшидаги шахслар, шунингдек, меҳнат қобилияти чекланган инсонларнинг меҳнати муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари аниқлаштирилган. Бундан ташқари, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги жамоатчилик назоратининг

механизми қайта кўриб чиқилган. Ходимларнинг меҳнат муҳофазасига оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Касаба уюшмаларининг ваколатлари кенгайтирилмоқда. Буларнинг барчаси партияимизнинг Сайловолди дастурига ҳар тарафлама мос келади.

Фракция йиғилишида бошқа қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.



Сенатор ШОТЎЛЛА АНОВ оғлан суратлар.

БАНДЛИК

ЎзХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ғузор туманида Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими билан ҳамкорликда ёшлар билан учрашув ўтказди. Унда касб-хунар коллежлари ўқитувчилари ва ўқувчилар, «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этишди.

Битирувчиларга эътибор

Учрашувда ёшлар бандлигини таъминлаш, ишчиларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари, барқарор иш ўринлари яратиш масалаларида фикр алмашилди.

Жорий йилда вилоятда 10684 лойиҳа асосида яратилган 89024 иш ўринининг 31158 тасига касб-хунар коллежи битирувчилари ишга жойлаштирилиши кўзда тутилган таъкидланди. Битирувчиларнинг ишга жойлаштирилиши ва диплом олди амалиётини ўташ, кейинчалик уларни ишга жойлаштириш шартномаси аввалги йилда 3 томонлама тузилган бўлса, жорий йилдан 4 томонлама тузилиши, яъни туман (шаҳар) ҳокимларининг ҳам қўшилгани ҳақида атрофлича маълумот берилди. Бу масалада жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш зарурати ҳақида фикрлар билдирилди.

Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Музаффар ТУРОПОВ

ОГОҲЛИК

Ёшлар гоёвий таҳдидларга қарши

Тошкент давлат шарқшунослик институтида ёшларни ёт гоёлар ва салбий ахборотлар таъсиридан ҳимоялаш масалаларида бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, «Ёш сийёсатчилар клуби» аъзолари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчилари, маданият ва санъат намояндалари иштирок этди.

Институт ректори А.Маннонов ва бошқалар мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик туфайли барча соҳалар изчил тараққий этаётгани, бу азиз неъматни асраш, қадрлаш ёшларнинг фазилатли бурчи эканини таъкидлади.

— Дунёдаги ғаразли кучлар ўз манфаати йўлида ёшлар онига таъсир ўтказишга уринаётгани барчамиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Акмал Умаралиев. — Президентимиз таъкидлаганидек, гоёга қарши фақат гоё, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат билан баҳса қилишни мумкин.

Тадбирда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизими ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш, ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни омдалаштириш, соғлом турмуш тарзини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

А.КИЁСОВА,
ЎЗА мухбири.

ЎҚУВ-СЕМИНАР

— Вилоятимиз ижтимоий-сийёсий ҳаётида сийёсий партияларнинг, хусусан, Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг ўзига хос ўрни, мавқеи борлигини яхши биламиз.

Ҳаракат дастурида белгиланган вазифалар

қайта-қайта ўрганишни, тарғиб қилишни ва амалга ошириш чораларини топишни талаб қилади

Партия ташкилоти фаолиятини таҳлил қилганимизда кейинги пайтда кўпгина ихобий жиҳатлар кўзга ташланмоқда. Аммо партиянинг Ҳаракат дастурини жойларда, жумладан, қуйи бўғинларда чуқурроқ ўрганиш, атрофлича таҳлил қилиш, унда белгиланган йўналишларни изчиллик билан амалга оширишда баъзан сусткашлик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда. Бу ўринда партиянинг бошланғич ташкилотлари, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар кўпроқ фаол бўлиши, ташаббус кўрсатишига зарурат сезилмоқда.

Ўқув-семинарда манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлашга, аҳолининг эътиёжманд қатлами манфаатлари ҳимоясига қаратилган тадбирларни ташкил этиш, уларда фуқоралик жамияти институтлари иштирокини янада кучайтириш масалаларида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шунингдек, ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Хусан Абдуниязов йиғилганларга сийёсий партиялар, уларнинг тарихий-ҳуқуқий асослари, сийёсий тизимлар ҳақида тушунча берди.

Тадбир сўнггида партиянинг Ҳаракат дастуридан келиб чиққан ҳолда, қуйи бўғинлар томонидан амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бўйича интерфал машғулот ўтказилди.

ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Мўтабар Каримов бу каби ўқув-семинарларни шаҳар ҳамда туман кенгашларида, йирик бошланғич ташкилотларда қай тартибда ўтказиш, самарадорлигини ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

2016 йил — соғлом она ва бола йили

ОИЛА АКАДЕМИЯСИ: сабоқлар, саволлар, жавоблар

Қашқадарё вилоят партия кенгаши ташаббуси билан Шаҳрисабз туман тиббиёт бирлашмасида «Соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишда оиланинг ўрни» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди. Мавзу қизиқ ва долзарб бўлгани бонс жонли савол-жавоблар асосида олиб борилди.



Шахло Худойкулова,
ЎзХДП вилоят кенгаши
Хотин-қизларнинг ижтимоий-сийёсий фаолигини
ошириш сектори мудири:

— Яқинда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти хисоботида 1990-2015 йилларда Ўзбекистонда оналар ўлими 33,3 фоизга қисқаргани қайд этилди. Бу нимадан далолат беради? Албатта, бу юртимизда олиб борилаётган туб ислохларнинг юксак самараси ҳисобланади. Чунки мустақиллик йилларида оналар меҳнатини энгилаштириш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида анча ютуқларга эришилди.

Ўзбекистонимиз нуфузли халқаро ташкилотлар рейтингига болалар саломатлиги муҳофазаланган 10 мамлакатдан бири экани, ривожланиш даражаси бўйича фарзандларимизнинг 92 фоизи халқаро

стандартларга мос келишини ҳам айтиш керак. Кўп ишлар қилинди ва қилинмоқда. Давлатимиз раҳбари Конституциямиз қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Соғлом она ва бола йили»нинг моҳияти ва олдимизда турган вазифаларни тўлиқ очиб берди. Бу бир кунлик, бир йиллик мақсад эмас.

Ҳар йили тиббиёт соҳасини такомиллаштириш, эл саломатлигини мустаҳкамлаш борасида аниқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада оналар ва болалар саломатлиги учун яратилаётган шарт-шароитлар эзгуликка хизмат қилмоқда. Президентимиз ўз маърузасида Тошкентда Жанубий Корея давлатининг беғараз ёрдами билан кўптармоқчи замонавий болалар шифохонаси қурилиши бошланганини айтди. Демак,

мамлакатимизда яна битта замонавий тиббиёт маскани ҳадемай иш бошлайди. Давлатимиз раҳбари ҳомиладор аёлларни асраб-авайлаш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш ва бошқа масалаларни кенг шарҳлаб берди. Бу вазифаларни амалга оши-

риш борасида партияимиз фаоллари, депутатларимиз маҳаллалар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш талаб этилади. Аҳоли ўртасида «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади» ҳаётий гоёни кенг ёйиш лозим.

Таълим муассасаларида тузилган «Ораста қизлар» тўғараклари орқали 12 йиллик мажбурий таълимнинг аҳамиятини кенг тушунтириб бориш, нотинч оилалар фарзандларини спортга жалб этиш, касб-хунар ўргатиш ва кўплаб вазифаларни фақат ҳамкорликда бажариш мумкин. Маҳаллалардаги «Ота-оналар уни-верситетлари» фаолиятини янада яхшилаш, оила психологияси бўйича суҳбат олиб боришга мутахассисларни жалб қилиш, оиланинг ҳуқуқий асосларини тушунтириб бериш каби

вазифаларни бажариш талаб қилинади.

Семинарда акушер-гинеколог, туман тиббиёт бирлашмаси хотин-қизлар кенгаши раиси Майсара Самиева ўз сўзида фарзандлар ёши орасида маълум вақт бўлиши кераклиги, она сутининг аҳамияти, ҳомиладорликдан сақлаш, кўрак саратони касаллигининг хавфи, доим тиббий кўриқдан ўтиб туриш ва бошқа масалалар ҳақида маслаҳатлар берди. Энг муҳими, нотинч соғлом турмуш тарзи, уни тарғиб қилиш, ҳамкорлик, оиланда ва маҳаллада оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қандай ишлар қилинишига оид кўплаб таклифларни ўртага ташлади.

Иштирокчиларнинг саволларига жавоб берди.

Савол: — Тиббий маданиятнинг аҳамияти ҳақида мисоллар келтирсангиз. Ёш қизларни турмушга узатишнинг оқибатлари ҳақида нима дейиш мумкин?

Жавоб: — Жамиятимизда оиланинг ўрни, мавқеи жуда муҳимдир. Нега? Чунки фарзандлар камолти, тарбияси, саломатлиги йўлида оиланинг ўрни тенгсиз. Тиббий маданиятнинг тарғиб қилар эканмиз, бу борада ҳам оиланинг аҳамияти биринчи ўринга чиқади. Очиғи, инсоннинг соғлом бўлиши аввало, турмуш тарзига, ирсиятга ва кейингиси тиббий ёрдамга боғлиқлиги аниқланган.

Бир аччиқ мисол келтирай. Эндигина 18 ёшга кирган аёлни туғруқхонага олиб келишди. Оилавий муҳит оғир бўлган, натижада етти ойликда бола дунёга келди. Аммо ёш онанинг ҳаётини сақлаб қолиш учун жаррохлик амалиёти ўтказилди. Энди у қайта она бўла олмади. Биласизми, қайнона нима қилди? «Менга бундай келин керак эмас, ўғлим ҳали кўп фарзандли бўлиши лозим», деб кетди. Маълум бўлишича, никоҳ рўйхатдан ўтказилмаган экан. Қизнинг онаси фарёд

уриб, қизини ёш турмушга узатгани учун пушаймонда эканини бот-бот такрорлади...

Савол: — Туғруқлар орасининг яқин бўлиши аёл саломатлиги учун хавфлими?

Жавоб: — Фарзанд кўргандан кейин она организми маълум муддат куч йиғиши, соғлигини тиклаши лозим. Аммо бу борада ҳалигача мурося қилиб бўлмайдиган воқеалар учраб турибди. Масалан, фарзанд кўриш оралиги масаласида қайнона-келин ёки эр-хотин ўртасида тушунмовчиликлар юзага келаётган ҳолатлар ҳам бор. Демак, тушунтириш-тарғибот ишларини янада кучайтиришимиз керак.

Лола Эргашева,
Шаҳрисабздаги кўп тармоқли поликлиника бош шифокори:

— Суҳбат нихоятда муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида бормоқда. Мен ҳам икки оғиз ўз фикримни айтмай. Она ва бола саломатлиги, умуман, турмуш маданияти юксалишида оила ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Туманимизда оилавий ҳамширалар учун барча шароитлар яратиб берилмоқда. Бу яхши натижа беради. Чунки ҳамшираларимиз доим оилаларга боришда, одамларнинг иссиқ-совуғидан ҳардор бўлишди. Хуллас, яхши ишларимиз учун шароит етарли.

Тиббиёт бирлашмаси бошлигининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари Зокир Жалолов ҳам ибратли мисолларни келтирди. Шунингдек, Шаҳрисабз шаҳрида 3-оилавий поликлиника янгидан қурилиш арафасида. Бунинг учун давлат томонидан маблағ ажратилганини айтиб ўтди.

Семинарда яхши фикрлар айтилди, долзарб масалалар кўтарилди. Фойдали таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

МУНОСАБАТ

■ Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Наврўз байрамига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда.

Наврўз ҳар йили яшариш, янгилаш байрами сифатида юртимизда кенг нишонланади. Бу — табиат ва наботот олами жонланиб, чўпон сурувиға кетадиган, деҳқон даласига чиқадиган мавсум. Табиат уйғонишида ҳикмат кўп.

Наврўз байрами

халқ қўшиқлари, ўлан ва лапарлар билан файзли

Президентимизнинг «2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори халқимизнинг эзгу интилишлари билан ҳамроҳандир. Ушбу қарор бу йилги баҳор байрами юртимизда янада юқори савияда нишонланишидан дарак бериб турибди.

Қарорда таъкидланганидек: «Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш» барча мутасадди ташкилотларнинг, илму маърифат ахлининг вазифасидир. Наврўз тарихини барчамиз бирдек билсак, моҳияти ва аҳамиятини англаш, Наврўз деб аталмиш қадриятимизнинг қадри янада ортади.

Республика Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий методик маркази жамоаси бу йилги Наврўз байрами дастурларини тайёрлашда фольклор санъатининг энг яхши намуналарини, қадимий урф-одатлар, мумтоз куй-қўшиқлар, ўлан ва лапарларга ҳар қачонгидан кўпроқ ўрин беришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Чунки уларда халқимизнинг узоқ ўтмиши, орзу-истаклари акс этади. Уни тинглаган ҳар бир ватандошимиз ўзини табиат билан узвий боғланганини, ажралмас бир қисми эканлигини ҳис этади. Атроф-

муҳитни, она заминни ардоқлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга иштиёқи кучаяди.

Ҳозир барча шаҳар ва қишлоқларимизда бўлиб ўтадиган маданий-маърифий тадбирларга тайёргарлик давом этапти. Фаолиятимизнинг қамрови кенг, бир қанча вилоятларга республикамизнинг етук мутахассислари ҳамкорлигида илмий экспедициялар уюштирилди.

Наврўз байрами дастури лойиҳасини шакллантириш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлганимизда, ҳомийлар кўмағида фольклор йўналишида ижод қилаётган ўнлаб янги истеъдод соҳибларини кашф қилдик. Тайёрланган дастур лойиҳаси Наврўз умумхалқ сайлига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш республика ташкилий ижодий гуруҳига тақдим этилди.

Наврўз сайилларида фольклор йўналишидаги қўшиқларга кенг ўрин берилиши — катта имконият ва имтиёздир. Бу эътибор шу йўналишда ижод қилаётган санъаткорларни маънавий рағбатлантириб, унутилиш арасида турган қўшиқларимизга янги ҳаёт бахш этади.

Азамат ХАЙДАРОВ,
Республика халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий методик маркази директори.

ЎзХДП ҲАМКОРЛАРИ

Меҳр ва эътибор

инсонни улуғлайди, мартабасини оширади

Кимдандир яхшилиқ кўрсак, бошқаларнинг меҳр-эътиборини ҳис қилсак, кўнглимиз кўтарилади, ҳаёт кўзимизга янада жозибали кўринади. Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди томонидан ўтказилаётган хайрия тадбирлари юртдошларимиз ўртасидаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик, ҳамжиҳатлик сингари фазилатларни янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Бу фикрлар фонднинг 2015 йил якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган режаларига бағишланган мажлисида ҳам алоҳида таъкидланди.

Бу ҳақда жамоат фонди ва-сийлик кенгаши аъзоси, Тошкент шаҳар Хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Абдурахимова шундай дейди:

— Бугунги кунда фондимиз томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш муассасаларини замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Келгусида фонд фаолиятини янада такомиллаштиришимиз зарур. Хусусан, Соғлом она ва бола йилида тарғибот-ташвиқот ишларини янги поғонага кўтаришимиз лозим. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, тиббий маданиятни ошириш мақсадида тиббиёт муассасалари, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоат ташкилотлар билан ҳамкорлик янада кучайтирилади.

— Ўтган йили фондимиз, унинг вилоят, туман ва шаҳар ваколатхоналари ҳамда ҳудудий муассасалари томонидан фуқаролар соғлиғини муҳофаза қилиш, муҳтож оилаларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасида хайрли



ишлар амалга оширилди, — дейди жамоат фонди бошқаруви раиси Асрор Мирзахмедов. — «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида фонд томонидан «Кекса ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ҳаёт даражаси сифатини юксалтириш» борасидаги ижтимоий лойиҳа учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бо-

лардаги беморлар учун зарур воситалар олиб берилди. Шунингдек, моддий ёрдам кўрсатиш, имтиёзли равишда даволаш масканларига жойлаштириш борасида фуқаролардан тушган 80 га яқин мурожаат ҳамкор ташкилотлар кўмағида ижобий ҳал этилди.

Фонд ва-сийлик кенгаши аъзоси Муҳтор Усмонов ҳаёт куйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди: — Жорий йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларининг соғлиғини муҳофаза қилиш, малакали шифокор маслаҳати ва даволаш ишларини ташкил этиш, болаларнинг спортга жалб этиш масалалари диққат-эътиборимизда бўлиши лозим.

Оналар ва болалар саломатлигини асрашда даволаш-профилактика муассасаларини керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга кўмаклашиш ҳам долзарб вазифадир. Жамоат фондининг ҳудудлардаги ваколатхоналари эса «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижросида фаол иштирок этиши зарур.

Фонднинг Тошкент, Бухоро, Наманган ва Сирдарё вилоят ваколатхоналари фаолияти намунали ташкил этилган. Мисол учун, Наманган вилоят ваколатхонасининг «Биз учун ҳаёт давом этади» ижтимоий лойиҳаси учун Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа ин-

ститутларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан 15 миллион, Сирдарё вилоят ваколатхонасининг «Болаларни сепсиз касаллигидан даволаш ва ташхис қўйишда замонавий усуллардан фойдаланиш» мавзусидаги ижтимоий лойиҳаси эса 14 миллион сўм миқдорини ташкил қилди. Ушбу лойиҳалар йил давомида ҳаётга татбиқ этилди.

Йигилиш якунида фонд фаолияти билан боғлиқ бошқа муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Нурали ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Миллий матбуот маркасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг 2015 йилдаги фаолияти якунлари ва 2016 йилги режаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ижтимоий лойиҳаларга доимий кўмак

Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Халимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг барча бўғинлари изчил қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

2008 йилдан бери фаолият кўрсатаётган Жамоат фонди ва комиссия ҳар йили нодавлат нотижорат ташкилотлари, медиа тузилмалар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг ижтимоий аҳамиятига молик энг яхши лойиҳаларини ҳаётга таъбиқ этишга кўмаклашмоқда.

2015 йилда давлат томонидан ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат гранти, ижтимоий буюртма ва субсидия шаклида молиялаштиришга 10 миллион сўм маблағ йўналтирилган.

Грант учун мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти, оммавий ахборот воситаси ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари 1200 дан ортиқ лойиҳа тақдим этган. Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона вилояти, Тошкент шаҳри энг кўп лойиҳа билан қатнашган. Лойиҳалар доирасида нуруний ларни эъзозлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, миллатлараро тотувлиқни янада мустаҳкамлаш, ҳудудлар ривожига доир қўллаб-қувватлаш ишлар амалга оширилган.

2016 йилда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини молиялаштиришга давлат бюджетидан 11 миллион сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросига ННТларни кенг жалб этиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий дастурлар ижросининг оммавий ахборот воситалари томонидан ёритилиши, баркамол авлодни вояга етказиш, табиат муҳофазасига оид ташкилотлар жамоат ташкилотлари фаолигини оширишга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жиноят қиларуви ва терроризмга қарши кураш бош бошқармаси ходимлари Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари билан «Одам савдоси ва ноқонуний миграция» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Ноқонуний меҳнат миграцияси

инсон ҳуқуқларини поймол қилади

Унда ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдосининг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди. Бугунги кунда мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унинг жirkan оқибатларини бартараф этиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, одам савдосига қарши курашиш тўғрисида қонун қабул қилинган.

Қонунда одам савдосига қарши курашишнинг асосий принциплари, бу иллатдан жабранганларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам кўрсатиш тамойиллари белгиланган.

Одам савдосига қарши курашишнинг амалга оширувчи давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Идорапаро комиссиялар тузилди.

Тегишли қонунларда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш, ишга жойлашиш ҳуқуқларига эга экани, фуқароларнинг мамлакат

ташқарисиди меҳнат фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунга қарамадан, айрим фуқаролар қонун йўли билан эмас, балки ноқонуний меҳнат миграцияси асосида хорижий давлатларга чиқиб кетмоқда. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлат идоралари томонидан аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида тегишли чоралар кўрилмоқда.

Ноқонуний меҳнат миграцияси, одам савдосига қарши курашиш бўйича ички ишлар идоралари, милиция танч пунктлари профилактика инспекторлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигини янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда иштирокчиларнинг саволларига атофлича жавоб қайтарилди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Ёшлар бандлиги таъминланмоқда

Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ҳокимлиги, прокуратураси, ЎзХДП туман кенгаши, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ташаббуси билан ахборот технологиялари ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежиди меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди.

Унда олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар кол-

лежлари битирувчилари, Куролли Кучлар сафидан захирага бўшатишган йигитлар ҳамда хотин-қизлар иштирок этиди. Ярмаркада 43 корхона ва ташкилот 250 дан ортиқ бўш иш ўринларини тақдим этиди.

— Бугун менинг орзум ушалди, — дейди «Қоратеп» маҳалласида яшовчи Ўғилрой Равшанова.

— 4-умумтаълим мактабига ишга қабул қилиндим. Бундан ниҳоятда хурсандман.

— Жорий йилда 3 минг 600 дан ортиқ кишини иш билан таъминлашимиз лозим, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП

гуруҳи аъзоси Баҳодир Тоғоев. — Ҳамкор ташкилотлар билан касб-ҳунар коллежларида турли учрашувлар ташкил қилаемиз. Мақсадимиз — барча битирувчиларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштиришдир.

Абдумалик ХАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

«Toshkent universal auksion savdo» МЧЖ

2016 йил 28 январь ва 18, 25 февраль кунлари ўтказилган очик аукцион савдоси натижаларига кўра, «TOSHVILYERLOYINA» шўъба корхонаси балансидаги д/р 01/640SDA бўлган «УАЗ-31512» — 1 400 000 сўмга; «TASHKENT PALACE NEW» МЧЖ балансидаги д/р 01/268VAA бўлган «УАЗ-3102» — 15 500 000 сўмга; Тошкент тиббиёт академиясининг учинчи клиникаси балансидаги д/р 01/733FBA бўлган «УАЗ-3303» — 5 750 000 сўмга; Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши балансидаги д/р 01/829KDA бўлган «УАЗ-3102121» — 16 400 000 сўмга; д/р 01/287TBA бўлган «УАЗ-21150-120-20» — 12 800 000 сўмга; Ўзбекистон Матбуот

ва ахборот агентлиги балансидаги д/р 01/910ZBA бўлган «ДЭУ Магнус» — 23 500 000 сўмга; «DAVLAT BELGISI» ДИЧБ Тошкент қозғоқ фабрикаси балансидаги д/р 01/471HBA бўлган «УАЗ-330210» — 12 700 000 сўмга ҳамда ишлаб чиқариш самараси 650кг/соат бўлган «ОН-6П01» русумли қия тозалогич (очиститель наклонный) — 3 600 000 сўмга; қуввати 7,5кВт бўлган «ВЦП-6-45-5» русумли чанг ҳайдаш вентилятор (вентилятор плевой) — 2 600 000 сўмга; «MARKAZIY» комбинат ДУК балансидаги д/р ЕД 34-17 бўлган «ЭО-2621В2» русумли экскаватор техникаси — 34 500 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Гувоҳнома № 005357

МЧЖ «Aisha Home Textile» қўшма корхонаси кредиторлари диққатига!

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «Aisha Home Textile» қўшма корхонаси Наманган вилояти, Наманган тумани, Ирвадон ҚФЙ, 3-Ирвадон МФЙ, Тўрақўрғон кўчаси 1-«А» уй манзилида жойлашган бўлиб, Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан 2012 йил 29 ноябрда 58-сон билан рўйхатга олинган.

Қўшма корхона таъсисчиларнинг 2016 йил 29 февралдаги йигилиш баёни қарорига асосан Устав фонди 7 230 480 406,45 сўмдан 5 804 655 406,45 сўмгача камай-тирилишини маълум қилади.

Эътирозлар Наманган вилояти, Наманган тумани, Ирвадон ҚФЙ, 3-Ирвадон МФЙ, Тўрақўрғон кўчаси, 1-«А» уйда қабул қилинади.

Телефон: (0369) 232-30-40, (+99891) 185-67-67.

Хизматлар лицензияланган
УС № 00200.

КУТЛОВ

СПОРТ

Осиё чемпионати совриндори

футзалчи Дилшод Раҳматов билан учрашув ўтказилди

Хабарингиз бор, яқинда футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Бу муваффақият футболчиларимизга 10 сентябрь — 2 октябрь кунлари Колумбияда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини берганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Куни кеча пойтахтимиздаги Фахур Ғулом номидаги наشريёт-матбаа ижодий уйида «Ардус» (Тошкент) ва мамлакат футбол кўлаги жамоалари аъзоси Дилшод Раҳматов билан учрашув бўлиб ўтди.

— Барча ҳамюртларимиз қатори корхонамиз ишчи-хизматчилари ҳам Осиё чемпионатини катта қизиқиш билан кузатиб боришди, — дейди наشريёт-матбаа ижодий уйи директори Лазиз Тангриев. — Терма жамоамиз жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритганида биз ҳаммадан кўпроқ қувондик. Чунки бу тарихий ғалабага муносиб ҳисса қўшган Дилшод

Раҳматов бир пайтлар жамоамизда ишлаган. Дилшоддаги иқтидорни ўз вақтида пайкаган мутахассислар, 2009 йилда уни «Пахтакор» футбол жамоасига таклиф этишганди. Бугун корхонамиз собиқ ишчисининг профессионал спортда эришаётган ютуқларидан нафақат жамоамиз аъзолари, балки бутун Ўзбекистон фахрланади.

Дўстона ва самимий руҳда ўтган учрашувда кўп қарра Ўзбекистон чемпиони ва Осиё чемпионати совриндори Дилшод Раҳматов наشريёт-матбаа ижодий уйи ишчи-хизматчиларини қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Осиё чемпионлар лигасида навбатдаги баҳслар якунланди

«В» гуруҳида иштирок этаётган «Бунёдкор» футболчилари иккинчи турда ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Наср» жамоасини қабул қилди. Унда 34-дақиқада Моиб Мадиға киритган ягона гол меҳмонларга ғалаба келтирди — 0:1.

«А» гуруҳида қатнашаётган Тошкентнинг «Локомотив» жамоаси сафарда «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) вакиллари қарши ўйнади. Учрашувнинг 15-дақиқасида мезбонлар ҳисобни очган бўлса, ўйин тугашига ўн дақиқа қолганида Темурхўжа Абдуҳаликов ҳисобни тенглаштирди — 1:1.

Кеча яна икки жамоамиз майдонга тушди: «Д» гуруҳи. «Насаф» — «Ал-Аҳли» (Саудия Арабистони) — 2:1, «С» гуруҳи. «Ал-Хилол» (Саудия Арабистони) — «Пахтакор» — 4:1.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Байрамингиз муборак, азиз опа-сингиллар!



«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси

Тошкент филиали жамоаси



муҳтарама оналар, мунис
опа-сингиллар ва лобар
қизларимизни 8 март —
Халқаро хотин-қизлар куни
билан табриклайди!

Чексиз орзу-умидларга, қувончу шодликларга
тўла бу қутлуғ айём барчангизга муборак бўлсин!
Аёллик бахти, шириндан-ширин орзулар
сиз азизларни асло тарк этмасин!

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



XALQ BANKI

STANDARD & POOR'S
RATINGS SERVICES

халқаро рейтинг агентлиги
2016 йил февраль ойида

Ўзбекистон Республикаси
акциядорлик тижорат Халқ банкининг
халқаро кредит рейтингини

В/В

БАРҚАРОР
даражасида баҳолади

Хизматлар лицензияланган.

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»

ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru
Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Баш муҳаррир: Сафар ОСТОНОВ

ТАХРИР ХАЙ'АТИ:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 359
17570
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.07
Topshirilgan vaqti — 00.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 5 6